

**«ЎЗАГРОСУҒУРТА» АЖ**  
Акциядорлар умумий йиғилиши  
2017 йил «30» июндаги акциядорларнинг  
навбатдаги йиллик умумий йиғилишнинг  
40-сонли баённомаси билан  
**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«ЎЗАГРОСУҒУРТА»**  
акциядорлик жамиятининг  
дивиденд сиёсати тўғрисидаги  
**НИЗОМ**

**Тошкент – 2017 й.**

## МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар.
- II. Жамият Дивиденд сиёсатининг мақсади, тамойиллари ва асосий қоидалари
- III. Жамият Кузатув кенгаши томонидан дивидендларни тўлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш тартиби
- IV. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиби
- V. Дивидендларни ҳисоблаш ва ҳисоб-китоб тартиби
- VI. Дивидендларни тўлаш тартиби
- VII. Ахборотни ошкор қилиш тартиби
- VIII. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича Жамиятнинг жавобгарлиги
- IX. Яқуний қоидалар

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу «ЎЗАГРОСУҒУРТА» акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун), Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 31.12.2015й. 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган), «ЎЗАГРОСУҒУРТА» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Жамият акцияларига дивидендларнинг миқдорини белгилаш ва уларни тўлаш механизмининг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

3. Ушбу Низом Жамият дивиденд сиёсатининг мақсади, тамойиллари ва асосий таркибий қисмларини, Жамият Кузатув кенгаши томонидан дивидендларни тўлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш қоидалари ва ёндашувларини, дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тартибини, дивиденд тўлаш тартибини, шунингдек ахборотни ошкор қилиш ва дивиденд сиёсатига риоя қилиш бўйича Жамиятнинг жавобгарлигини белгилайди.

4. Кузатув кенгаши аъзолари, Ижроия органи аъзолари, шунингдек дивидендни ҳисоблашга ва тўлашга алоқадор Жамиятнинг таркибий бўлинмалари Ушбу Низом талабларига риоя этишлари шарт.

## **II. ЖАМИЯТ ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИНГ МАҚСАДИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

5. Жамият дивиденд сиёсати – бу акциядорларга дивиденд тўлаш билан уни Жамият тасарруфида қолдириш (захира фондига йўналтириш, жамғариб бориш ва/ёки ўтган йиллардаги зарарни қоплаш орқали) ўртасидаги Жамият соф фойдасини тақсимлашнинг миқдорий кўрсаткичларини белгилаш бўйича ҳаракатлар мажмуи, шунингдек дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатини белгилаш, дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятни бажармаганлик учун Жамият жавобгарлигини белгилаш бўйича муносабатлар ва тамойиллар тизимидир.

6. Акциядорларнинг фаровонлигини ошириш ва Жамият капиталлашуви ўсишини таъминлаш Жамият дивиденд сиёсатининг мақсади ҳисобланади.

7. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- шаффофлик тамойили дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этадиган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ва шартларини белгилашни ва ошкор этишни кўзда тутади;

- долзарблик тамойили дивиденд тўловларини амалга оширишда вақтинчалик чегараларни белгилашни англатади;

- асослилик тамойили дивидендларнинг миқдори ва тўлаш ҳақида қарор фақат Жамият томонидан ижобий молиявий натижага эришилган тақдирда Жамиятнинг реал молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг ривожлантириш режалари ва инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши мумкинлигини англатади;

- холислик тамойили деганда, дивидендлар тўлаш, дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар ҳақида ахборотни олишда акциядорларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш тушунилади;

- кетма-кетлик тамойили дивиденд сиёсати тамойилларини ва тартиб-таомилларини қатъий бажаришни англатади;

- ривожланиш тамойили дивиденд сиёсатини корпоратив бошқарув тартиб-таомилларини яхшилаш доирасида доимий равишда такомиллаштиришни ва унинг ҳолатларини Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан қайта кўриб чиқишни англатади;

- барқарорлик тамойили Жамиятнинг дивиденд тўловларининг барқарор даражасини таъминлашга интилишини англатади.

### ***Дивиденд сиёсатининг асосий қоидалари***

8. Жамиятнинг дивиденд сиёсати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамият Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган акциядорларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя қилинишига асосланади ва Жамиятнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга йўналтирилади.

9. Жамият акциядорлари қуйидаги дивиденд ҳуқуқларига эга:

- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- олинган дивидендни эркин тасарруф этиш.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган Жамият акциядорлари дивидендларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Агар фойда ёки бошқа маблағлар мавжуд бўлмаса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамият захира фонди маблағларидан тўланади.

Жамият захира фондида маблағлар мавжуд бўлмаса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланмайди ва жамғариб борилади, агар бу жиҳат Жамият Уставида назарда тутилган бўлса.

Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - ушбу акциялар эгасини Қонунда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

10. Жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш ёки кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият олган акциялар Жамият тасарруфига ўтади.

Жамият тасарруфига ўтган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

Қонунда белгиланган бошқа мақсадларда Жамият томонидан олинган акциялар Жамият тасарруфига ўтади. Ушбу акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

11. Акциядорларга дивидендларни олиш орқали Жамият фойдасида иштирок этишнинг тенг ва адолатли имконияти тақдим этилиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Кузатув кенгаши ва Жамият Ижроия органи риоя этиши шарт бўлган дивиденд сиёсатини тасдиқлайди.

Дивиденд сиёсати ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврга белгиланади. Дивиденд сиёсатини ўзгартириш акциядорларга бундай ўзгаришнинг сабаблари ва шарт-шароитларини тўла тушунтириш билан амалга оширилиши зарур. Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжлари ёки умуман иқтисодий вазият билан асосланмаган дивиденд сиёсати, масалан Жамиятда корпоратив бошқарувнинг ўтишида, лозим даражадаги корпоратив амалиёт бўлиб ҳисобланиши мумкин эмас.

Жамият сармоядорларни имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар белгилаш тартиби бўйича чалғитиши мумкин бўлган таърифларни Уставга киритмаслиги ва шу тариха шундай имтиёзли акциялар овоз берувчи ҳисобланиши бўйича мавҳумликни юзага келтирмаслиги лозим.

12. Жамият дивидендларнинг миқдорини аниқлаш ва уларни тўлашнинг шаффоф ва тушунарли механизмини ишлаб чиқиши ва амалга тадбиқ этиши шарт.

Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва уларни тўлашнинг шаффоф механизмини таъминлаш учун Жамият дивиденд сиёсати дивидендларни тўлашга йўналтирилган соф фойданинг қисмини аниқлаш тартибини, риоя этганда уларнинг эълон қилиниши шартларини, акциялар бўйича дивидендлар миқдорини ҳисоблаш тартибини, Жамият уставида белгиланмаган дивидендларнинг миқдорини, Жамиятнинг турли хил

акциялари бўйича дивидендларнинг энг кам миқдорини тартибга солувчи қоидаларни белгилаши зарур.

Агар Жамият консолидациялашган молиявий ҳисобот тузса, дивиденд сиёсатида Жамиятнинг ўзи учун қонунчиликда белгиланган дивидендларни эълон қилиш ва тўлашга доир чекловларни ҳисобга олган ҳолда, Жамият дивидендларини тўлашга йўналтирилган консолидациялашган соф фойданинг энг кам улушини аниқлаш тартибини белгилаш тавсия қилинади.

13. Жамиятга агар бундай қарор қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни расман бузмаса-да, иқтисодий асосланмирилмаган бўлса ва Жамият фаолияти тўғрисида ёлғон тасаввурларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин бўлса, дивидендларни тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилишга тавсия қилинмайди.

Бундай қарорлар сирасига, масалан, ҳисобот йили учун Жамиятда маблағлар етишмаса, пул оқимининг ҳажми етишмаса ёки инвестициявий дастурни бажармаслик ёки Жамият молия-хўжалик режаси (бюджет)да белгиланган қарз даражасининг ошишида оддий ва (ёки) имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни эълон қилиш киради.

14. Жамият мавжуд акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқларининг ёмонлашишига йўл қўймаслиги шарт.

Амалиётда қонунчиликда белгиланган акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ва воситалари ҳар доим ҳам етарли бўлавермайди.

Шунинг учун Жамият ва унинг назорат қилувчи шахслари корпоратив ҳаракатларни амалга оширишда мавжуд акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқлари ва улушларини сақлашни таъминлашга интилишлари зарур (шу жумладан, мавжуд акциядорларга дивиденд ҳуқуқлари ва улушларини сақлашнинг самарали ва камситмаслик механизмларини тақдим қилиш йўли билан). Масалан, агар имтиёзли акциялар эгаларининг дивиденд ҳуқуқлари Жамият оддий акцияларининг сонига боғлиқ бўлса, Жамият оддий акцияларини ўзгартириш имтиёзли акциялар эгаларининг ҳуқуқларини тегишли тарзда ўзгартириш билан бориши лозим.

Агарда имтиёзли акцияларнинг янги турини жойлаштириш мавжуд акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқларига дахл қилса ёки уларнинг улушларини камайишига сабаб бўлса, акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқлари бузилмаслиги ёки тегишли акциядорлар (шу жумладан, Қонунга мувофиқ акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ вужудга келмайдиган акциядорлар) уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб тартибда акцияларни олиш имкониятига эга бўлишлари учун Жамият бундай йўл билан жойлаштирилган акциялар билан боғлиқ ҳуқуқларни ўзгартириши лозим.

Жамият томонидан фақат акциядорларнинг ҳуқуқларининг ёмонлашмаслигини таъминлаш шарти билан акцияларни майдалаш,

йириклаштириш ёки айирбошлашни амалга ошириш (хусусан, корпоратив назоратни қайтадан тақсимлаш (ёки даражасини ўзгартириш) мақсадида акцияларни йириклаштириш, майдалаш ёки айирбошлаш, шунингдек акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқларининг ёмонлашишига ёки Жамият устав капиталида уларнинг улушларининг камайишига олиб келувчи ҳаракатларнинг амалга ошишига йўл қўймаслик лозим).

15. Жамият акциядорларнинг дивидендлар ва акциянинг тугатилиш қийматидан ташқари Жамият ҳисобидан даромад олишнинг бошқа усулларида фойдаланишини йўқ қилишга интилиши зарур.

Корпоратив бошқарув амалиётига мувофиқ акциядор Жамият ҳисобидан фақат дивидендлар ва акциянинг тугатилиш қийматини олиш йўли билан фойда (даромад) олиши мумкин. Жамиятга Жамиятни назорат қилувчи шахслар (йирик акциядорлар) томонидан Жамият ҳисобидан фойда (даромад)ни бошқа усуллар билан олиш, масалан дивидендлар ўрнини босадиган ички займлар олиш ёки сунъий оширилган нархлар бўйича, шунингдек бошқа шунга ўхшаш усуллар билан назорат қилувчи шахс томонидан Жамиятга асосланмаган хизматлар кўрсатиш каби ҳолларни бартараф қилиш бўйича барча чораларни кўриш тавсия қилинади.

16. Жамият капиталашувнинг ўсишини Жамият акцияларидан фойда олиш бўйича акциядорларнинг мулкӣ манфаатларини қондиришнинг асосий усули сифатида кўради.

Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият томонидан олинган фойданинг фойдаланилган ва капиталлаштирилган қисми ўртасидаги нисбатни оптималлаштиришдан иборат.

17. Жамият молиявий ҳисобот даврида олинган соф фойданинг миқдори ва Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва инвестициявий фаолиятини ривожлантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, акциядорларга тўланадиган дивидендларнинг миқдорини оширишга ҳаракат қилади.

18. Жамият акциялари бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор (эълон)ни қабул қилиш Жамиятнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

19. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг мажбурияти ҳисобланади.

20. Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш, дивидендларни ҳисоблаш бўйича, почта харажатлари) бошқарув органлари қарори бўйича дивиденд олаётган акциядорга юклатилиши мумкин эмас. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун акциядорлар олдида жавобгардир.

21. Жамият захира фондига Жамият Уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан мажбурий ажратмаларни ва Жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбурий ажратмаларни амалга оширади.

22. Дивидендларни ўз вақтида тўлаш ва дивиденд тўлаш учун муомаладан пул маблағларини чиқариш туфайли Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг ёмонлашишини олдини олиш мақсадида Жамият томонидан Жамият даромадлари ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарздорлиги бўйича захира тузилади.

23. Агар Жамият акциядорларига дивиденд тўлаш билан боғлиқ қандайдир масалалар Қонун меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Жамият Устави ва ушбу Низом билан тартибга солинмаса, улар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, ҳал этилиши шарт.

24. Жамиятнинг дивиденд сиёсати Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамиятнинг ўрта муддатга ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ҳисобга олиб, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, аниқ муддатни белгилаш орқали муайян бир муддатга ишлаб чиқилади.

25. Жамиятнинг ушбу дивиденд сиёсати 5 йилдан юқори даврига ишлаб чиқилган (ўрта муддат, узоқ муддат).

26. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият ҳар йили ушбу даврда дивиденд тўлаш учун соф фойданинг 25 % ини йўналтиради.

27. Жамиятнинг соф фойдасидан қолган маблағлар Жамиятни ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясига мувофиқ қуйидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

- лойиҳанинг номи, соҳаси ёки йўналиши, инвестициялар ҳажми, ТИА (техник иқтисодий асосланиши) ёки СЛХ (смета-лойиҳа ҳужжатлари) бўйича даромадлиги.

### **III. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

28. Қонунга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига акциядорларнинг умумий йиғилишига дивиденд миқдори, шакли ва уни тўлаш бўйича тавсиялар бериш киради.

29. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва акциядорлар манфаатлари мувозанатига риоя қилган ҳолда, олинган молиявий натижалардан келиб чиқиб Жамият акциялари бўйича тавсия қилинадиган дивиденд миқдорини белгилайди. Бунда Жамият Кузатув кенгаши бошқа



тенг шароитларда акциядорларга йилдан йилга дивиденд тўловларининг қийматининг ижобий динамикасини сақлашга ҳаракат қилиши лозим.

30. Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига ва Жамият уставига мувофиқ Жамият оддий акцияларининг камида 1 фоизига эга бўлган акциядорлар Жамият фойдасининг тақсимланиши, шу жумладан дивиденд тўлаш бўйича таклифларни киритишга ҳақли.

31. Жамият ижроия органи раҳбари Жамият соф фойдасининг тақсимланиши, хусусан дивиденд тўлаш бўйича таклифларни Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли.

32. Миноритар акциядорлар кўмитаси ҳам Жамият фойдасининг тақсимланиши, хусусан дивиденд тўлаш бўйича таклифларни тақдим этишга ҳақли.

33. Кузатув кенгашининг стратегия бўйича кўмитаси (Жамият дивиденд сиёсатини амалга ошириш учун масъул Кузатув кенгаши аъзоси) Жамият молиявий ҳисоботларини, келиб тушган таклифларни дастлабки ўрганади ва соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлаш масаласи бўйича тегишли хулосани тайёрлайди.

34. Дивиденд тўлаш масаласи бўйича тегишли хулосани тайёрлашда Кузатув кенгаши қуйидагиларга амал қилади:

- амалдаги қонунчилик;
- Жамият Устави;
- ушбу Низом;
- Кузатув кенгашининг стратегия бўйича кўмитаси (Жамият дивиденд сиёсатини амалга ошириш учун масъул Кузатув кенгаши аъзоси)нинг хулосаси;
- ички аудит хизмати ҳисоботи;
- Тафтиш комиссиясининг хулосаси;
- Жамият ташқи аудиторининг хулосаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатмалари (Жамият устав фондида давлат улуши мавжуд бўлса);
- Жамият оддий акцияларининг камида 1 фоизига эгалик қиладиган акциядорларнинг таклифлари;
- Жамият ижроия органи раҳбарининг таклифлари;
- Миноритар акциядорлар кўмитасининг таклифлари.

35. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишига дивиденд тўлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишда қуйидаги ёндашувларга амал қилади:

- Жамиятда қонунчиликда белгиланган дивиденд тўлашга доир чекловларнинг мавжуд эмаслиги;

- Жамиятда унинг молиявий ҳисоботлари маълумотларига кўра молиявий даврда солиқ солингандан сўнг қолган фойда (Жамият соф фойдаси) ва/ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ўтган йилларда тақсимланмаган соф фойданинг мавжудлиги;

- молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги Жамият ташқи аудитори томонидан тасдиқланиши зарур;

- қонун талаблари, Жамият устави ва ички ҳужжатларга мувофиқ соф фойдадан мажбурий ажратмаларни амалга ошириш;

- 55 млн сўмдан кам бўлмаган миқдорда умидсиз дебитор қарздорлиги бўйича захиранинг мавжудлиги;

- Жамият имтиёзи акциялари бўйича дивиденд тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- Жамиятнинг қисқа муддатли мажбуриятларни бажариш ва Қонунда ва Жамият уставида белгиланган муддатларда дивиденд тўлаш учун пул маблағларининг мавжудлиги;

- Жамиятда соф активларнинг етарли миқдори (Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фондидаги суммасини қоплайди) мавжудлиги;

- қуйида келтирилган Жамият самарадорлиги муҳим асосий кўрсаткичларининг ижобий кўрсаткичлари:

а) абсолют ликвидлик коэффиценти – 0,2 дан кам бўлмаган;

б) молиявий мустақиллик коэффиценти - 1 дан юқори;

в) қоплаш (тўлаш қобилияти) коэффиценти – 1,25 дан юқори;

г) дивиденд чиқиш (соф фойданинг қайси қисми оддий акциялар бўйича Жамият томонидан дивиденд тўлашга йўналтирилганини кўрсатади)- кўрсаткич қанча юқори бўлса, акциядорларга шунча кўп фойда келтиради

36. Кузатув кенгаши тавсия этиладиган дивидендлар миқдорини белгилашда Жамиятнинг кейинги даврларга мўлжалланган молия-хўжалик режаларини, Жамият мажбуриятлари ва айланма маблағларининг жорий ва келгусидаги ҳолатини инобатга олиши лозим.

37. Кузатув кенгаши томонидан Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тавсия этиладиган дивидендлар тўлови Жамият томонидан қўшимча қарздорлик молиялаштириши жалб этишни ёки кейинги даврларга мўлжалланган молия-хўжалик режаларида назарда тутилмаган бошқа сарфларни келтириб чиқармаслиги зарур.

38. Молиявий ҳисобот йилидаги соф фойдадан йиллик дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ Жамият учун мажбурий ажратмаларга маблағлар ажратилади.

39. Молиявий йил натижалари бўйича йиллик дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра олдин тўланган дивидендлар ҳисобга олинади.

40. Кузатув кенгаши томонидан тавсия этиладиган оралик дивидендлар миқдори (молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра молиявий йил тугашигача эълон қилинган дивидендлар) куйидаги шартларга мувофиқ белгиланади:

- жорий йилдаги соф фойдадан дивиденд миқдори Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган (маъқулланган) жорий йил учун Жамият бизнес-режаси билан режалаштирилаётган йил якунлари бўйича дивидендларнинг ҳажмидан (Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ Жамият захира фонди ва бошқа фондларга фойдадан мажбурий ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади) юқори бўлмаслиги лозим;

- ўтган йиллар фойдасидан олинган дивиденд миқдори ўтган йил учун (охирги бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича) Жамиятда мавжуд қарздорлик миқдоридан, уни тақсимлаш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилишининг қарори қабул қилинмаган бўлса, юқори бўлмаслиги лозим.

41. Битта оддий ва битта имтиёзли акция учун тўланадиган дивиденд миқдори (агар Жамият имтиёзли акциялари жойлаштирилса) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

42. Эълон қилинадиган дивидендларнинг миқдори акциядорлардан ушланадиган солиқларни ўз ичига олади.

43. Кузатув кенгашининг дивиденд тўлаш масаласи бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилишига берган тавсияномасида куйидагилар белгиланиши лозим:

- дивиденд тўлаш учун йўналтириладиган соф фойда миқдори;

- таклиф этилаётган соф фойдани тақсимлашни, дивиденд миқдорини асослаш, Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига уларнинг мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек зарурий ҳолларда Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжлари учун йўналтирилган соф фойданинг маълум қисмининг ҳажмини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;

- дивиденд эълон қилинадиган акция турлари;

- муайян турдаги битта акцияга ҳисобланган дивиденд миқдори;

- тўлов муддати (даври);
- тўлов шакли;
- тўлов тартиби.

44. Жамият Кузатув кенгашининг дивиденд тўловлари масаласи бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсиялар ишлаб чиқиладиган мажлиси очиқ шаклда ўтказилиши зарур.

Дивиденд тўлаш ва дивиденд миқдори масаласи бўйича тавсияларни қабул қилиш тўғрисида қарор Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим.

#### **IV. ДИВИДЕНД ТЎЛАШ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

45. Қонун ва Уставга мувофиқ Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, 9 ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли

46. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин 3 (уч) ой ичида қабул қилиниши мумкин.

47. Дивиденд тўлаш, дивиденд миқдори, шакли ва акцияларнинг ҳар бир тури бўйича уни тўлаш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси ва молиявий ҳисобот асосида, агар унинг тўғрилиги ҳақида аудитор хулосаси бўлса, қабул қилинади.

48. Молиявий йилнинг натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан молиявий йил натижаларига кўра Жамият фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги масаланинг таркибий қисми сифатида қабул қилинади.

49. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги алоҳида масала сифатида қабул қилинади.

50. Акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар миқдори Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

51. Дивидендлар (йиллик, оралик) тўлаш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатига киради.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.



52. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорида қуйидагилар белгиланиши лозим:

- дивиденд тўлашга йўналтирилган соф фойданинг миқдори;

- таклиф этилаётган соф фойдани тақсимлашни, дивиденд миқдорини асослаш, Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига уларнинг мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек зарурий ҳолларда Жамиятни ривожлантириш зарурияти учун йўналтирилган соф фойданинг маълум қисмининг ҳажмини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;

- дивидендлар эълон қилинадиган акциялар тоифаси;

- муайян турдаги битта акцияга ҳисобланган дивиденд миқдори;

- тўлов муддати(даври);

- тўлов шакли;

- тўлов тартиби.

53. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор акциядорга ҳар бир турдаги акция бўйича дивиденд миқдорига тааллуқли тўлиқ маълумотларни олишга имкон бериши зарур.

54. Акциядорлар умумий йиғилиши муайян турдаги акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик, шунингдек Жамият Уставида дивидендлар миқдори белгиланган имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ бўлмаган миқдорда тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

55. Дивидендлар тўлаш ёки тўламаслик тўғрисидаги қарор корпоратив назоратни қайтадан тақсимлаш учун восита сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

56. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият:

Жамият устав фондининг барчаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса, ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

57. Агар имтиёзли акцияларнинг барча тоифалари (Жамиятнинг имтиёзли акциялари жойлаштирилган ҳолларда) бўйича дивидендларни (шу жумладан, имтиёзли акциялар бўйича жамланган дивидендлар) тўлиқ миқдорда тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Жамият оддий акциялар бўйича (шу жумладан, молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим

йиллиги ва тўққиз ойи натижалари бўйича) дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

58. Агар олдинги навбатдаги имтиёзли акцияларнинг барча тоифалари (Жамиятнинг турли тоифадаги имтиёзли акциялари жойлаштирилган ҳолларда) бўйича дивидендларни (шу жумладан, имтиёзли акциялар бўйича жамланган дивидендларни) тўлиқ миқдорда тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Жамият муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

59. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ миқдорда тўлашнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, Жамият дивидендларни ҳисоблаш (тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

## **V. ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

60. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

61. Акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатларни юритадиган таркибий бўлинмаси шакллантиради.

62. Акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга қуйидагилар киритилади:

- рўйхатни шакллантириш санасига акциядорлар реестрида қайд этилган акциядорлар;

- рўйхатни шакллантириш санасига акциядорлар реестрида қайд этилган акциялар бўйича ҳуқуқлар берилган бошқа шахслар ( гаровга олувчи, ишончли бошқарувчилар ва бошқ.), агар бундай шахс билан акциядор ўртасидаги шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса.

63. Агар акция бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига акциянинг биргаликдаги эгалари киритилади.

64. Дивидендларни олиш тўғрисида ахборот Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидаги ёки инвестиция воситачисидаги акция эгаси депо ҳисобварағининг анкетасида бўлади. Депо ҳисобварағи анкетасига тегишли ўзгартиришларни киритиш учун ишончли маълумотларни тақдим қилганлик учун жавобгарлик акция эгасига юклатилади.

65. Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган акциядорлар реестрига ўзгартириш киритишда, Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидан акциядорлар реестрига бундай ўзгартиришлар

киритилишининг сабаблари тўғрисидаги ахборотни сўрайди ва дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига ўзгартиришлар киритади.

66. Исталган акциядор ўзини дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига киритиш (киритилмаслик) бўйича ахборотни тақдим қилиш тўғрисидаги сўров билан Жамиятга мурожаат қилишга ҳақли.

67. Жамият сўров келиб тушган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида жавоб тайёрлайди ва акциядорга агар сўровда ахборотни олишнинг бошқа усули кўрсатилмаган бўлса, почта манзили орқали юборади.

68. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми ҳисобланади.

69. Дивидендларни ҳисоблаш Жамият бухгалтерияси (молия бошқармаси) томонидан амалга оширилади.

70. Дивиденд миқдорининг ҳисоб-китоби қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- битта имтиёзли акция учун дивиденд миқдори Жамият Уставида белгиланади;

- Жамият Уставида белгиланган битта имтиёзли акция учун дивиденд миқдорини имтиёзли акциялар сонига кўпайтириш орқали Жамият имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган даромад суммаси аниқланади;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган даромаднинг умумий суммасидан имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун зарур даромад суммаси ажратилади;

- дивидендларни тўлаш учун йўналтирилган умумий даромаднинг қолган қисми жойлаштирилган оддий акцияларнинг умумий сонига бўлинади ва Жамиятнинг битта оддий акцияси учун дивиденд миқдори аниқланади.

71. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда битта акция учун дивиденд миқдорини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади.

72. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

73. Дивидендлар:

- жойлаштирилмаган акциялар бўйича;

- Жамият томонидан олинган акциялар бўйича;

- давлат вакили томонидан (агар Жамиятда “олтин акция” жорий этилган бўлса) дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш масаласи бўйича Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига вето қўйилган бўлса;



- банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганда кузатув жорий этилган вақтдан эътиборан;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳисобланмайди ва тўланмайди.

74. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

## **VI. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

75. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивидендларни тўлаш тартиби акциядорларнинг уларни олиш ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиши лозим.

### **Тўлов манбалари**

76. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг захира фонди ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

### **Тўлов муддати**

77. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Жамиятнинг Уставида ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

78. Агар дивидендларни тўлашнинг охириги муддати иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, муддат тугаши куни иш кунидан олдинги кун ҳисобланади.

79. Жамият белгиланган муддатнинг охиригача эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

80. Жамият дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятни белгиланган тўлов муддати ичида исталган кунда бажаришга ҳақли.

81. Жамият дивиденд олишнинг охириги муддатини белгиламайди ва белгиланган муддатда ҳисобланган дивидендларни олмаган акция эгалари бўйича (талаб қилиб олинмаган) дивидендларни тўлашни тугатмайди ва 3 (уч) йил ичида тўлашни давом эттиради.

### Тўлов шакли

82. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан дивидендлар пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

Дивидендларни фақатгина пул маблағлари билан тўлаш тавсия қилинади, чунки агар улар бошқа мол-мулк билан тўланса, ҳақиқий тўланган дивидендларни баҳолаш қийинлашади, дивидендларни бундай мол-мулк билан олиш эса акциядорларга кўшимча мажбуриятлар ва харажатлар юклаши мумкин.

83. Агар дивидендлар пул маблағлари билан тўланса, эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

Жамият акциядорларининг реестридан олинган, Жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

84. Агар дивидендлар бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланса, эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда тўланади.

### Солиқ солиш

85. Тўланадиган дивидендларга солиқ солиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

86. Жамият акциядорларга уларга тегишли бўлган акциялар бўйича даромадларни тўлашда солиқ агенти ҳисобланади. Жамият амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатда дивидендлардан бюджетга солиқ суммасининг ҳисоб-китобини, ушлаб қолишни ва ўтказишни амалга оширади.

Дивидендлар акциядорларга ушлаб қолинган солиқ суммаларини айирган ҳолда ўтказилади.

87. Солиқ солишнинг белгиланган ставкалари қўлланилмайдиган акциядор Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни Жамиятга тақдим этиши шарт.

### Тўлов тартиби

88. Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар юритадиган тузилмавий бўлинмаси Жамият бухгалтерияси (молия бошқармаси) билан биргаликда Жамият томонидан ушбу Низомда назарда тутилган дивидендлар тўловини ташкил қилиш бўйича барча тадбирларни тайёрлашни, мувофиқлаштиришни ва ўтказишни амалга оширади.

89. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас.

Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамият томонидан Жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

Захира фондида пул маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, агар Уставда белгиланган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамғарилади ва кейинчалик тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўламаслик уларни тўлаш учун етарли манба мавжуд бўлса, натижада имтиёзли акциялар эгалари Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалаларга овоз бериш ҳуқуқини олсалар, лозим даражадаги корпоратив амалиёт бўлиб ҳисобланмайди.

Шунга ўхшаш тартибда имтиёзли акциялар эгалари учун Акциядорларнинг умумий йиғилишида унинг ваколатига кирувчи барча масалаларга овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш имкониятини истисно қилиш мақсадида Жамиятнинг чекланган молиявий имкониятлар шароитида имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим даражадаги корпоратив амалиёт бўлиб ҳисобланмайди.

90. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивиденд олишга бўлган тенг ҳуқуқлилигига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендларни тўлашда ҳеч бир акциядор тўлов муддатлари бўйича имтиёзларга эга бўлмайди.

Бунда Жамият, агар бунинг натижасида миноритар акциядорларга дивиденд тўлаш белгиланган муддатларда амалга оширилмаса, йирик акциядорга дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

91. Жамият ҳисобварағидан тегишли пул суммасини Жамият акциядорлари реестри тизимида бўлган банк ҳисобварағига ўтказиш ёки дивиденд тўлаш ҳисобига акциядорга бошқа мол-мулкни топшириш, агар бундай тўлов шакли устав ва/ёки Акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланган бўлса, дивиденд тўлаш ҳисобланади.

92. Кун тартибига оралиқ дивидендларни тўлаш ёки молиявий йил якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш тўғрисида масала киритилган Акциядорларнинг умумий йиғилишининг хабарида Жамият томонидан акциядорларга банк реквизитлари ва почта манзили ўзгаргарганда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида ёки инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағи анкетасига ўзгартириш киритиш мажбурияти, шунингдек бундай мажбуриятни бажармаслик оқибатлари тушунтирилади.

93. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини ва/ёки Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва/ёки инвестиция воситачиси жавобгар бўлмайди.

Акциядор ўз банк реквизитларини ёки дивидендлар ўтказиш учун манзилни нотўғри кўрсатган, ёхуд кўрсатилган реквизитлар ҳақида Жамиятга хабар қилмаган, ёхуд улар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаган тақдирда, Жамият шунинг натижасида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивидендлар суммаси Жамиятга қайтарилгандан кейин уларни аниқлаштирилган реквизитлар бўйича акциядорга ўтказиш уларнинг қайтарилишига ва такрорий ўтказилишига кетган харажатлар чегирилиб қолинган ҳолда, амалга оширилади. Ворислик натижасида дивидендларни олиш учун меросхўр дивидендларни олган жой бўйича меросхўрга бўлган ҳуқуқ тўғрисида нотариал тасдиқланган гувоҳномани тақдим қилиши зарур.

94. Жамиятнинг ўзи мустақил тарзда дивиденд тўлашни амалга оширишга ёки шартнома асосида дивидендларни тўлашни ташкил қилиш ва амалга ошириш мақсадида бошқа ташкилотни - тўлов агентини жалб этишга ҳақли. Жамият томонидан тўлов агентининг жалб этилиши Жамиятни акциядорлар олдидаги уларга ҳисобланган дивидендларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди. Жамият ўзининг акциядорларини тўлов агентининг жалб этилиши, уни алмаштириш ва унинг ваколатларини тугатиш тўғрисида хабардор қилишга ҳақли.

95. Дивидендларни тўлаш бўйича харажатлар Жамият ҳисобидан амалга оширилади.

96. Дивидендлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

97. Жамият акциядорларига белгиланган дивидендлар тўланмаган ҳолларда, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи акциядорнинг ёки Жамият миноритар акциядорларининг кўмитаси мурожаатига асосан Жамиятга ушбу Жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш мажбуриятини юклаш бўйича судга даъво киритишга ҳақли. Бундай даъвони киритиш ва кўриб чиқиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

98. Акциядор Жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар Жамият томонидан тўланмаган тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

99. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

100. Жамият:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

101. Жамият тугатилаётганда иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият Уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади.

Жамият мол-мулки ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият Уставида белгиланган тугатиш қийматини имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк

имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

## **VII. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

102. Жамият меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ корпоратив веб-сайтида қуйидаги ахборотни жойлаштиради:

- дивидендларни тўлаш (эълон қилиш), оралиқ дивидендларнинг миқдори, муддати, шакли ва тўлаш тартиби тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорининг қабул қилиниши тўғрисидаги муҳим фактлар шаклидаги ахборот;

- йиллик дивидендларни тўлаш (эълон қилиш), йиллик дивидендларнинг миқдори, муддати, шакли ва тўлаш тартиби тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорининг қабул қилиниши тўғрисида муҳим фактлар шаклидаги ахборот.

Бунда Жамият томонидан акциядорларга электрон почта орқали уларга дивидендлар ҳисобланганлиги тўғрисидаги билдириш юборилади.

Жамият томонидан дивидендлар тўлаш бўйича ўзининг мажбуриятларини бажариш факти бўйича Жамият тегишли ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда муҳим фактларни хабар шаклида ошкор қилади.

103. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ Жамият қўшимча тарзда қуйидаги ахборотни ошкор қилади:

- ушбу Низом, шунингдек унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, тегишли қарор қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин 5 (беш) иш куни ичида;

- таклиф этилаётган соф фойдани тақсимлашни, дивиденд миқдорини асослаш, Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига уларнинг мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек зарурий ҳолларда Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжлари учун йўналтирилган соф фойданинг маълум қисмининг ҳажмини тушунтириш ва иқтисодий асослаш;

- дивидендлар миқдори ҳисоб-китобинининг шаффоф механизми;

- охириги 5 йилда дивидендларни тўлашнинг динамикаси.

104. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Жамият соф фойдасини тақсимлаш ва унинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлиги тўғрисида ахборотни акс эттириши лозим.

105. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган қонунчиликда белгиланган мажбурий материаллар ва акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим қилинадиган материаллардан ташқари, акциядорларга қўшимча тарзда қуйидаги материаллар тақдим қилинади:



- дивидендларни тўлаш учун зарур шароитларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини кўрсатувчи ахборот, соф фойданинг мавжудлиги тўғрисида аудитор хулосаси, мазкур масала бўйича Кузатув кенгашининг тавсиялари;

- соф фойданинг таклиф этилаётган тақсимоти, дивидендлар, унинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига, хусусан соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришни иқтисодий асослаш ва тушунтиришлар билан дивиденд тўлаш учун ва Жамиятнинг шахсий эҳтиёжларига мувофиқлигини баҳолашни асослаш;

- Жамият Уставида белгилаш тартиби ўрнатилган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдорининг ҳисоб-китоб тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар;

- акциядорларнинг дивиденд ҳуқуқлари ёмонлашувига ва уларнинг улушлари камайишига олиб келган корпоратив ҳаракатлар, шунингдек акциядорлар томонидан дивидендлар ва тугатиш қийматидан ташқари Жамият ҳисобидан фойда олишнинг бошқа усулларидан фойдаланиш фактлари аниқланган суд қарорлари тўғрисида маълумотлар.

106. Жамият акциядорларнинг сўрови бўйича ушбу Низомнинг 103-бандида кўрсатилган эълон қилинган дивидендлар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилади.

## **VIII. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК**

107. Жамият Жамият Устави ва Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида белгиланган ҳажмда ва муддатларда эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

108. Жамиятнинг ижроия органи Жамият акциядорларига дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгар бўлади. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссияси билан биргаликда ижроия органининг ҳаракатларини назорат қилади.

109. Кузатув кенгаши ҳисобланган дивидендларни тўлашни таъминлаш мақсадида ўз мажлисларида дивидендлар тўланишининг бориши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Жамият ижроия органининг айби билан дивидендлар тўлиқ ёхуд ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, Кузатув кенгаши айбдор шахсларга жавобгарлик чораларини белгилайди ва тегишли санкцияларни қўллайди ёхуд уларни қўллаш ташаббусини киритади.

110. Жамият ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

111. Жамият Жамиятга юклатилган дивидендлардан солиқ суммаларини ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича солиқ агенти вазифасини



бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

112. Ушбу Низом Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Жамият Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори умумий йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

113. Ушбу Низомга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши, Жамият тафтиш комиссияси, Жамият ички аудит хизмати аъзоларининг, Жамият ижроия органи раҳбарининг, Миноритар акциядорлар қўмитасининг таклифига кўра киритилади.

Ушбу Низомга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Низомга ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича қарори Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

114. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.